Ушбу сонда:

2 Саҳродаги балиқлар

Сохта дипломли фермер 3

Ҳуқуқ ва эркинлик кафолати 4

Телефон ва талаба

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 19 (526) 2007 йил 15 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳомийлик ташкилоти тугатилганда унинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкдан ташкилот уставида назарда тутилган тартибда ёки агар ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби унинг уставида назарда тутилмаган бўлса ёхуд қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тугатиш комиссиясининг қарорига биноан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади.

«ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 12-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 29-30 мартда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга молик қонунлари маъқулланди. Жорий йилнинг 7 апрелида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Қонун матбуотда эълон қилинди ва 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Qonunning mohiyati

Хавфсизлик камари

ундан фойдаланишни унутманг

Мазкур Қонунга мувофиқ, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланиши шартлиги кўзда тутилмаган эди. Ўзбекистон РеспубликасинингВазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 6 мартдаги **«Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига биноан, «Йўл ҳаракати қоидалари»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланаётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан фойдаланишнинг мажбурий тартиби жорий этилди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»га асосан, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланаётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши ва хавфсизлик камарларини тақмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт. Шу билан бирга, қуйидагиларга хавфсизлик камари тақмасликка рухсат берилади:

- қоидаларнинг 25. 8-бандига мувофиқ, орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болаларга;

- транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахсга;

- ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчиларга;

- орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчиларга;

- аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчиларга;

- аҳоли пунктларида: ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларига.

Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак. Ушбу қоидаларга риоя этмаслик, қонунга мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида содир бўладиган оғир оқибатларнинг олдини олишдир. Рақамларга эътибор берсак, мамлакатимизда ўтган йили 10853 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, уларда 2128 нафар шахс ҳаётдан кўз юмган, 11881 нафар шахс турли даражада тан жароҳати олган. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг транспорт воситаларида ўрнатилган хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари муҳим омил бўлади.

Ҳозирги кунда «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги 1968 йилги халқаро Конвенцияга аъзо бўлган аксарият хорижий давлатларда ҳам (Россия, Германия, Корея ва бошқалар) ҳайдовчи ва йўловчиларга хавфсизлик камарларини тақмасдан транспорт воситасида ҳаракатланиш қонун билан тақиқлаб қўйилган. Хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаракат давомида хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари оғир тан жароҳати олишни 62-65 фоизга камайтирар экан. Шу билан бирга, бу тартиб ҳайдовчиларнинг руҳий-жисмоний ҳолатига ижобий таъсир этиб, транспорт воситасини ҳушёр бошқаришга, йўл-транспорт ҳодисаларининг 12-14 фоизга камайишига хизмат қиларкан. Мисол учун, Канадада 1989 йилдан 2003 йилга қадар бўлган вақтда хавфсизлик камаридан фойдаланган туфайли 6 минг нафардан ортиқ фуқаронинг ҳаёти, 120 минг кишининг саломатлиги сақлаб қолинган. Японияда ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасидан 75 тасида фуқаролар хавфсизлик камарини тақканлиги боис омон қолган. Бу рақам АҚШда ҳар юз ҳодисадан 77 тасини ташкил этади. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, соатига 50 километр тезликда ҳаракатланаётган автомобиль ҳаракатсиз тўсиққа урилганда, 80 килограмм вазнли шахс организми 2 тоннага тенг бўлган зарбага учрайди. Бу ҳолатда ёш бола ярим тоннага тенг зарбга дуч келади. Орқа ўриндиқда ўтирган ва хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилар соғлиғи ҳам тўғнашувда катта хавф остида қолади. Тўқнашув оқибатида уларнинг бошлари оғир жароҳат олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ва ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими

Давлат равнақи — оқилона сиёсат самараси

Инсоният тарихидаги туб ўзгаришлар жараёни дунё халқларининг озод ва ҳур яшашида, фаровон турмуш кечиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга бу жараёнлар эскирган жамият ҳаётини янгилайди, мустабид тузумдан кейин ички ва ташқи сиёсатини ўзи мустақил бошқарадиган давлатларда миллий давлатчиликка асос солади.

Тарихий уйғонишлар янги, фаровон, умуммиллий қадриятларга мос демократик давлатлар пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Ҳар қайси минтақада турлича кўринишда содир бўлган бу туб ижтимоий ўзгаришлар бир қанча дунё мамлакатлари ҳаётида янги саҳифалар очади, янги миллий давлатчилик тарихини бошлаб беради. Айнан мана шундай жараёнларда тарих етакчилик салоҳияти шаклланган шахсларни майдонга олиб чиқади ва халқ ўз тақдирини, юртнинг эртасини, мамлакат тараққиётини ана шу етакчилар билан боғлайди.

Башарият тарихи ўз саҳифаларига Жавоҳарлаъл Неру, Маҳатма Ганди, Мустафо Камол Ота-турк, Жамол Абдул Носир, Аҳмад Сукарна сингари жаҳонда миллий давлатчиликка асос солган шахслар номини муҳрлади. Бу арбоблар ўз жамиятларининг тубдан янгиланишига, миллатлар тотувлигига, Ватан озодлигига беқиёс ҳисса қўшганлари боис жаҳон жамоатчилиги нигоҳида алоҳида эътирофга сазовордирлар.

Ҳар бир даврда, ҳар қандай шароитда мамлакатини барқарор ривожланиш сари йўналтира олган шахслар узоқни кўзлаб юргизган сиёсатлари туфайли ўз юртларини оғир иқтисодий бўҳронлардан асраган, ижтимоий муаммолардан холи янги жамият заминини яратган. Йўлбошчилик ва кучли бошқарув салоҳиятига эга етакчилар, аввало, минтақада миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаган.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпгина давлатлар ижтимоий-иқтисодий таназзулни бошдан кечирди. Барқарор ривожланаётган мамлакатлар муаммолар гирдобига тушиб қолди, ишлаб чиқариш издан чиқди, молиявий-иқтисодий тақчиллик ортди, аҳолининг яшаш шароити қийинлашди. Бундай оғир шароитдан, масалан, Япония мукаммал таълим-тарбия тизимини шакллантиришга ҳамда иқтисодиётда кенг тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган ижтимоий сиёсат орқали чиқиб олди ва мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Ички имкониятларига таяниб олиб борилган ўзига хос сиёсат туфайли Япония жаҳоннинг етакчи давлатларидан бирига айланди. Дунё аҳолисининг энг катта қисми, қарийб бир ярим миллиард аҳолига эга Хитойни миллий ўзига хос ички катта сакраш сиёсати иқтисодий ўсиш суратлари тезлашган етакчи мамлакатга айлантирди. Урушнинг сўнгги йилларида иқтисодий таназзулга юз тутган, қашшоқлик авж олган Жанубий Кореяни миллий менталитетига мос бўлган тўғри ва мустаҳкам сиёсат бугунги тараққиёт даражасига олиб чиқди. Бу тараққиёт, аввало, корейс халқининг бирдамлиги, юрт равнақи учун фидойилик кўрсатиб қилган саъй-ҳаракати самарасидир.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо янги жамият барпо этиш ҳамда тараққиёт суратларини тезлатиш учун бирон-бир ривожланган мамлакат тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштириш кутилган натижани бермаслиги аён. Маълумки, дунёда тараққиётнинг барча мамлакатларга мос келадиган тайёр андозаси йўқ. Айниқса, Ўзбекистонда менталитет, демографик жараёнлар, иқлим шароити, табиий ресурслар ҳеч қайси мамлакатникига ўхшамайди. Бу каби ички ўзига хосликларни инобатга олмаслик мамлакатни таназзулга бошлаш билан баробарлиги жаҳоннинг кўпгина давлатларида кузатилган.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий таназзулдан олиб чиқиш, миллий давлатчиликка асос солиш жуда катта бошқарувчилик салоҳиятини, узоқни кўра билган ўзига хос кучли сиёсатни талаб этади. Аммо ўзини мустақил бошқара бошлаган айрим давлатларнинг юксак ривожланган минтақалар тараққиёт йўлларидан боришга уринишлари жамиятда табақаланишнинг кучайишига, турли гуруҳларнинг низоларига, аҳоли орасида парокандаликка олиб келиши ҳам аён.

(Давоми учинчи бетда)

«Ijtimoiy himoya yili» Davlat dasturi amalda

Кўнгилларга дармон, бу қўрғон

Хизмат сафари билан Самарқанд вилояти Нуробод туманига борганимда ҳоким қабулхонасида бироз кутиб қолишимга тўғри келди. Қабулхонада кутаётганлар анчагина. Шу пайт сафимизга ёши олтмишларга борган, юзидан турмуш ташвишларини хўб тортгани сезилиб турган онахон ҳам келиб қўшилди ва ийманибгина «илтимос, мени навбатсиз қўйсаларинг, кираман-у чиқаман», деди. Журналист эмасманми, қизиқишим устун келиб, «нима арзингиз бор», дея сўрадим онахондан.

— Ҳеч қандай илтимосим ёки арзим йўқ, — деди онахон. — Фақат ҳокимдан Президентимиз номига ёзган миннатдорчилик мактубимни шахсан ўз қўлига бориб етишида ёрдам беришларини илтимос қилмоқчиман. Юртбошимизга минг раҳмат, биз каби оддий одамларни қўллаб-қувватлаяпти, Аллоҳ умрини узоқ қилсин. Мен Қаймоқ Мавлоноваман, шу туманнинг «Шарқ юлдузи» маҳалласида яшайман. Ҳаётда кўп қийналдим. Уч фарзандим туғма ногирон. Уларни даволатиш ва парваришлаш оиламизни қийнаб қўйди. Яқинда маҳалламиз раисаси Марҳабо Усанова она-бола сигирни етаклаб келиб, «бу оилангизга вилоят ва туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла томонидан совға, деди. Бошим осмонга етди. Болаларимнинг оғзи оққа тегди, рўзғоримизга барака кирди. Бундай саховатнинг сабабини суриштирсам, Президентимизнинг ўзлари «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан биз каби кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик қилишга бош бўлаётган экан.

Опа билан сухбатдан кейин «Шарқ юлдузи» маҳалласида амалга оширилаётган ишларни яқинроқдан ўрганиш керак экан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Шу ўй билан маҳаллага йўл олдим. 3000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла ҳудудига қадам қўйишингиз биланоқ саранжом-сариштalик, ободончилик кўнглингизга ҳузур бағишлайди.

— Аёл боши билан баъзи эркакларнинг хаёлига келмайдиган ишларни қилаяпти, барака топсин, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Очил бобо Қурбонов. — Шунча одамнинг бошини бириктириб, савоб ишларга йўналтириш осон эмас. Аммо Марҳабо барчасига улгураяпти. Маҳалламизда олти нафар туғма ногирон бола бор. Касби ўқитувчи эмасми, ногирон болаларнинг уйларига бориб, ўзи ўқитаяпти. Саккиз нафар ёлғиз қария ҳам доимо раисамиз эътиборида. Биз, икки нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари эса барча байрам ва тадбирларда дастурхон тўридамиз.

— Саховатли, қўли очиқ одамларимиз кўп, — дейди Марҳабо Усанова. — Фақатгина уларни савобли ишларга йўналтира олиш керак. Маҳалламиз ҳудудида йигирмага яқин тадбиркор яшайди, улар ўз даромадларидан қишлоқнинг кам таъминланган оилаларига доимо иқтисодий кўмак бериб туришади. Биргина мисол, Наврўз байрами арафасида ана шундай тадбиркорларимиздан Шокир Рўзиев, Отабек Тилавов ва Боборахим Маллаевлар кам таъминланган уч оилага ўз ҳисобларидан биттадан қорамол олиб берди. Илҳом Нормуродов эса маҳалла аҳлининг тўй ва маъракаларини ўтказиш учун стол-стуллар ҳадя қилди.

Маҳалла ҳудудини айланарканмиз, сидқидилдан меҳнат қилса самараси, албатта, кўзга кўринишига гувоҳ бўлдик. Саккиз юз нафардан зиёд ўсмирлар бўш вақтида шуғулланишлари учун маҳалла аҳли кучи билан «Маданият» ва «Тинчлик» гузарларида спорт майдончалари бунёд этилган. Бу майдончаларни жиҳозлаш учун эса тадбиркорлар билан биргаликда зарур спорт анжомлари харид қилинган.

«Шарқ юлдузи» маҳалласида қилинаётган эзгу ва савобли юмушлар ўзбек халқининг нақадар бағрикенг ҳамда саховатпешалигидан биргина мисол, холос.

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» муҳбири

Adliya xabarlari

Адлия вазирлигида

2007 йил 8-9 май кунлари Тошкентда "Ўзбекистон Республикаси – Европа Иттифоқи"нинг адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа дахлдор масалалар бўйича Кичик қўмитасининг навбатдаги, тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясига Адлия вазири Ф.Отахонов бошчилик қилди. Европа Иттифоқи делегацияси таркиби ҳозирда Европа Иттифоқига раислик қилиб турган Германиянинг, Европа Иттифоқи Комиссияси ва Кенгашининг юқори мартабали экспертларидан иборат бўлди.

Йиғилиш давомида томонлар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, чегаларни бошқариш, божхона ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Илгари эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда, Кичик қўмита доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш борасидаги аҳвол қамраб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича кенг кўламли масалалар юзасидан, шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг истиқболига оид мунтазам равишдаги музокаралар бошланди. Музокаралар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланади.

Амалий ва ҳамфикрлик руҳида ўтган йиғилиш якуни бўйича томонлар ушбу музокаралардан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Сирдарё

Вилоят адлия бошқармасида **«Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари»** мавзуида семинар бўлиб ўтди. Бу тадбир нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик, унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан таништириш, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил қилинди.

Семинарда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зикрилло Абдувоҳидов ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, қабул қилинган Конституциявий қонун, жамиятда ННТларнинг ролини кучайтириш, улар томонидан ҳисоботлар топширишни тартибга солиш ҳақида батафсил тўхталди. Семинар ишида вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими К.Каттабеков «Нодавлат нотижорат ташкилотларини солиққа тортиш масалалари» юзасидан маъруза қилди.

Ихтиёр ҲАКИМОВ

Хоразм

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида 2007 йил 5 май куни вилоят адлия бошқармасида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни амалга ошириш масалалари бўйича семинар машғулоти ўтказилди. Семинарни вилоят адлия бошқармаси бошлиғи О.Каримов бошқарди.

Семинарда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциянинг мазмун-моҳияти, "Ювинал адлия тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш" ҳамда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясини Ўзбекистон Республикасида имплементациялаш тўғрисидаги мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Бизга маълумки, Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясига қўшилган. Конвенцияга кўра, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон — бола ҳисобланади ва ҳар бир иштирокчи давлат — болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни кўришлари лозим. Бу эса бутун жаҳон миқёсида жиддий муаммога айланиб бораётган болалар савдосининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ҳуқуқнинг мазкур меъёрлари миллий қонунчилигимизга ҳам жорий қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига кўра, ёш болага нисбатан жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенциясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"** 2000 йил 18 майдаги 192-сонли қарорига кўра, давлат органлари, идоралар, вазирликлар томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланганлиги фикримиз исботидир.

Семинарда қайд қилинишича, бугунги кунда юртимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича етарли ҳуқуқий база шаклланган.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида **"Бола ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш масаласи кун тартибига қўйилганлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг такомиллаштирилиши томон ташланган яна бир дадил қадам бўлди.

Тадбирда болаларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишининг олдини олиш мақсадида, аввало, ота-оналарни ва жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш, бунинг учун барча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, манфаатдор корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида бола савдоси бўйича дунёда юз бераётган ҳодисалар, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ва унинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида, ушбу йўналишни тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими юзасидан тушунтириш ишларини изчил олиб бориш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги таъкидланди.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Oramizdagi odamlar

Саҳродаги балиқлар

Учқудуқ мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган ўзига хос гўшалардан ҳисобланади. Вилоят марказидан энг олис овуллар ўртасидаги масофани чамалайдиган бўлсак, салкам 600 километрга етадиган бу бепоён кенгликларда 40 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йигирмага яқин миллат бир оила фарзандидек қўлни-қўлга бериб, Учқудуқ туманидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга бел боғлаганлигини амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида кўриш мумкин. 2007 йилнинг 1-чорагида қурилиб фойдаланишга топширилган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларидан 10 тасининг очилиш маросими ўтказилиб, бугун халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Навоий номли маҳалла ҳудудида дорихона ва гўзаллик салони, «Абай» маҳалласи ҳудудида, «Мингбулоқ», «Олтинтау», «Жузқудуқ», «Узунқудуқ» ширкат хўжаликлари ҳудудида сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахоналарининг ташкил этилиши, «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида «Навоий кон-металлургия комбинатининг 50 йиллиги» боғинининг барпо этилиши, «Айтим» маҳалласида 10 та ишчи ўрнига эга бўлган тикув цехи, шаҳар марказида аҳолининг талабларига мувофиқ «Учқудуқ-лазер» хусусий корхонаси томонидан «Тайёр таом» етказиш хизмати ташкил этилганлиги чўлга янгича руҳ олиб кирганлиги, учқудуқликлар ҳаётида эртанги кунга ишончни мустаҳкамлаганлиги билан қадрлидир.

Булар барханлар бағрида, Қизилқум кенгликларида амалга оширилган хайрли ишларнинг бир парчаси, холос.

Бир вақтлар собиқ иттифоқ атом электростанциялари, ядро қуролларини тайёрлаш учун Учқудуқдан қазиб олинадиган урандан фойдаланиш муҳим стратегик аҳамиятга эга эди ва шу боисдан ҳам бу ҳудуд ўта махфий сақланган.

Истиқлол эпкинлари бу махфийлик ва қарамлик занжирларини парчалаб ташлади. Бугун учқудуқликларнинг орзу-ниятлари, мақсад ва интилишлари юксак. Мамлакатимизда кончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда ана шу чўл заҳматкашларининг муносиб ҳиссаси бор. Саҳрода балиқчиликни ташкил этиш ва бу соҳани ривожлантиришга астойдил киришган замондошларимиз фаолияти четдан қараганда афсонага ўхшайди.

Туман ҳокимлигининг 2007 йилда иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилиши мўлжалланган Ҳаракат дастуридан туманда балиқчиликни ташкил этиш ҳам алоҳида ўрин олганлиги ана шу афсонани ҳақиқатга айлантиришга ёрдам берди. Саҳродаги балиқлар туман ҳокимлигининг ташаббуси ва тадбиркор Ўктам Ғайбуллаевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли пайдо бўлди.

Табиатнинг мўъжизалари кўп. Қизилқум барханлари қўйнида қайнаб чиққан «Сементовка» қудуғи тадбиркорнинг режаларига мос келди. У ҳеч иккиланмай саҳрода балиқ парваришлашга тайёргарлик бошлади. Қудуқ атрофлари тозаланиб, дастлаб бир гектар ҳажмдаги сув ҳавзаси мутахассислар текширувидан ўтказилди. 3-4 метр чуқурликдаги ҳавзада Бухоро балиқчилик хўжалиги билан ҳамкорликдаги шартномага асосан балиқ уруғи олиб келиниб, кўпайтириладиган бўлди.

Учқудуқ тумани марказидан 80 километр олисда, «Узунқудуқ» ширкат хўжалиги «Томди труба» фермаси ҳудудида аҳоли яшаш пунктидан 15 километр узоқликда жойлашган бу балиқчилик ҳавзасида олиб борилаётган ишлар аҳолига йилига 10 тоннагача тирик балиқ етказиб бериш мақсадида амалга оширилмоқда. Балиқларнинг тез ривожланиши учун етарли миқдорда озуқа базаси тайёрланган. Учқудуқликлар ўз дастурхонларида ҳа демай, ўз ҳавзаларида парвариш қилинган зоғора балиқ, шир балиқ, илон балиқ, оқ амур ва танга балиқларни кўришлари аниқ.

Аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бериш чоралари кўрилган. «Сементовка»нинг туман марказидан узоқлигини инобатга олиб, Деҳқон бозори ҳудудида тирик балиқ сотишни йўлга қўйиш учун ҳовуз қурилиши ҳам бошлаб юборилган.

Ҳа, Ў.Ғайбуллаев тажрибали тадбиркорлардан. У бошлаган иши осон кечмаслигини, саратоннинг жазирамаси кўрсатадиган синовларни яхши билади. Барча қийинчиликларни бўйнига олиб, иш юритиш, кўзлаган мақсадга эришиш ҳақиқий ишбилармонларнинг иши. Тадбиркорнинг бу фаолияти эл дастурхонига тўйимли, тансиқ таомгина эмас, балки инсон соғлиги учун шифобахш неъматни ҳам тортиқ қилиши билан, айниқса, муҳимдир.

Яна бир гап. Ўктам ака тумандаги мактаб ёшидаги 7 нафар чин етим, 75 нафар ногирон, 22 нафар соғлиғи туфайли уй шароитида ўқитиладиган болаларга машғулотлар ўтиш харажатлари ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги хайрли карвонга қўшилган кўплаб саховатли ҳомийлар қаторидан ўрин олган.

«Узунқудуқ»даги кам таъминланган оила фарзандлари, «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ногирон болалар ҳам унинг муруввватидан мамнун.

Гулу гиёҳлар униши мушкул бўлган чўл шароитида нозик ва мураккаб соҳа ҳисобланган балиқчиликни ривожлантиришга ахд қилган тадбиркорнинг овулга саноатни олиб кириш йўлидаги ҳаракатлари ҳам хайрли бўлишига шубҳа йўқ.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг мустақил фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Islohot va mas`uliyat

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, **«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида»**ги Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жойларда бу ҳаётий муҳим ҳужжатлар ижроси назоратини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан изчил фаолият олиб борилмоқда.

Яқинда вилоят адлия бошқармасига бир гуруҳ тадбиркорлардан янги деҳқон бозор ҳудудида ноқонуний савдо ўринлари қурилаётгани ҳақида шикоят аризаси келиб тушди. Аризани ўрганиш давомида 2006 йил 26 июлдан 21 августига қадар деҳқон бозори ҳудудида шаҳар қурилиш режасида назарда тутилмаган, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган **«Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига зид тарзда савдо павильони қурилгани маълум бўлди. Ваҳоланки, бу қурилиш учун на шаҳар ҳокимининг қарори, на вилоят давлат архитектура-қурилиш назорат инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан рухсатномаси олинган. Янги деҳқон бозори бошқарув раиси Х.Абдуллаев ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан бу объектни тиклаган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратурасига киритилган тақдимнома асосида Андижон шаҳар деҳқон бозори бошқаруви раиси Х.Абдуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармасига Пахтаобод туманида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ фермерлардан тумандаги «Охунбобоев-Люкс» МТП раҳбарлари МТП балансидаги техника воситалари ва биноларни сотиб юбораётгани тўғрисида шикоят аризаси тушди. Муаммони ўрганиш жараёнида «Охунбобоев-Люкс» МТП раҳбарияти МТП балансидаги омборни, ёқилғи ташийдиган юк транспортини таъсисчилар умумий йиғилишнинг қарорини чиқармай бериб юборгани, «ТТЗ-80» русумли тракторни 2.100.000 сўмга ҳеч бир асоссиз сотгани ва «ДТ-75» русумли тракторни эса «металломга топширгани» аён бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратурасига киритилган тақдимнома асосида «Охунбобоев-Люкс» МТП раҳбарларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

2006 йил 25 майда вилоят адлия бошқармасига Мархамат туманида жойлашган кўп тармоқли «Шуҳрат» фермер хўжалиги раҳбари Т.Нуриев ариза билан мурожаат этиб, АТ «Пахтабанк»нинг туман бўлими ходимлари томонидан кредит ажратилишида ҳамда банк хизматларини кўрсатишда йўл қўйилаётган қонунбузарликнинг олдини олиб, амалий ёрдам беришни сўраган. Маълум бўлишича, «Шуҳрат» кўп тармоқли фермер хўжалиги билан «Ўқчи» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 2006 йил учун 371.7 тонна пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 284-сонли контрактация шартномаси тузилган. Фермер хўжалиги ушбу контрактация шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадида АТ «Пахтабанк»нинг Марҳамат тумани бўлими билан 36-сонли «кредит шартномаси»ни тузган. Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда 1508-сон билан давлат рўйхатига олинган **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартибида тўғрисида»**ги Низом талабларига кўра, кредитлар давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштириладиган йилнинг 1 апрелига қадар маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида ажратилиши белгилаб қўйилган. Бироқ АТ «Пахтабанк»нинг Марҳамат туман бўлими томонидан юқоридаги Низом талаблари бузилган, яъни фермер хўжалигига 2006 йилнинг апрел ойига қадар маҳсулот қийматининг 20 фоизи, яъни 18.836.700 сўм ўрнига 8.900.000 сўм пул маблағи ажратган, холос. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолат юзасидан 2006 йил 20 июн куни вилоят АТ «Пахтабанк» бошқармасига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тақдимнома киритилди. Ўтган 2006 йил давомида тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролардан келиб тушган 117 та шикоятнинг 100 таси асосли, деб топилди ва улар бўйича тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Шу ўринда, ишонч телефонлари орқали қабул қилинган 62 мурожаатдан 58 таси асосли, деб топилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Бизнинг асосий мақсад ва вазифамиз, қонунларнинг амалий ижросини тўла таъминлаш ва бу борадаги камчилик ҳамда нуқсонларга барҳам беришдан иборатдир.

Акмалжон УСМАНОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи
Шуҳрат МУСАЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qonun ko`magi

Сохта дипломли фермер

Халқимизда «шоли курмаксиз бўлмайди», деган доно нақл бор. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида ҳам юқоридаги ҳикмат бежизга айтилмаганига яна бир карра амин бўлдик. Тўғри-да, агар шундай бўлмаганида чироқчилик Ботир Амирқулов қарийб бир йил судма-суд овора бўлиб юрмасди. Балки, ўз вақтида ерга эгалик қилган, фермерлик мақомини олган, ишлари юришиб, эл дастурхони фаровон бўлишига ҳисса қўшган бўларди. Аммо...



Агар Қашқадарё вилоят хўжалик суди раиси Юсуф Назаров раислигидаги апелляция инстанцияси бу низоли масалани қонун талаби асосида кўриб чиқмаганида, Ботир Амирқулов ҳали-ҳануз овора-ю сарсон бўлиб юрган бўлармиди?..

Мавзуни дабдурустдан бошлаб, муҳтарам ўқувчини маҳтал қилиб қўйганлигимиз учун узр сўраймиз-да, воқеа тафсилотига тўхталамиз.

Ҳукуматимизнинг тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ, иқтисодий жиҳатдан самарасиз, паст рентабелли ширкат ва жамоа хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари барпо этилаётганлиги, алалхусус бу йўналиш бўйича олиб борилаётган ишлар якунланаёзганлигидан барчамиз хабардормиз, албатта.

Худди шу борадаги фаолият кейинги пайтларда Қашқадарё вилоятида, хусусан, Чироқчи туманида ҳам кенг кўламли тус олди. Хайрли ҳаракат самараси ўлароқ, тумандаги Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги тугатилиб, унинг ер майдонлари ҳақиқий ер эгалари — фермерларга узоқ йиллик муддатга ижарага бериладиган бўлди. Тан олиш керак, бунга эришилди ҳам. Кафти кетмоннинг сопидан қаварган асл деҳқонларга тугатиш комиссияси томонидан 2006 йилнинг 27 январида ўтказилган тендер асосида ер ажратиб берила бошланди.

Комиссия аъзолари танлов эълон қилинган ҳар бир контурдаги ер учун талабгор бўлмишлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни мавжуд қонун-қоидага биноан астойдил ўрганиб чиқа бошлади. Талабларга тўкис жавоб бера олганларга ер берила бошланди.

Хўжаликнинг 74 ва 81-сонли контурларидаги 30 гектарлик ер майдони учун эълон қилинган 7-лойиҳага тўрт киши даъвогар бўлиб чиқди. Улар шу хўжаликда яшовчи — Ботир Амирқулов, Холбўта Жовлиев, Суюн Улашев ва Анвар Улашевлар эди. Уларнинг аризалари-ю, тақдим этган ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган танловда 69,4 балл олган Холбўта Жовлиев мутлақ ғолиб деб топилди ва «Жовлиев Холбўта Эшмуродович» номли фермер хўжалигига шу тариқа асос солинди. 65,5 балл олган Ботир Амирқулов эса 2-ўрин билан кифояланди. Аммо орадан кўп ўтмай ғолиб бўлмиш — Холбўта Жовлиев ҳақида хўжаликда гап тарқалди. Эмишки, у тендер комиссиясига тақдим этган олий маълумотли агроном дипломи сохта экан, бу иш билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шуғулланаётган эмиш...

Шу ерда халқимизнинг яна бир мақоли ёдга тушади: Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Қолаверса, эл бежизга гапирмайди...

Афсуски, ҳаммаси рост эди. Х.Жовлиевнинг 2000 йилнинг 25 июндаги Тошкент Давлат Аграр Университетини битирганлиги тўғрисидаги 364-сон билан рўйхатга олинган № 165738 рақамли бакалавр дипломи сохта бўлиб, қаллоб дипломфурушлар томонидан «қахрамонимиз»га арзон-гаровга пулланганди. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2006 йил 9 июндаги ҳукми юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди. Унда қайд этилишича, тендер комиссиясига тақдим этилган диплом сохта эканлиги боис, Холбўта Жовлиев суд томонидан Жиноят кодексининг 22-моддаси 3-қисми билан айбдор, деб топилган ва у 2 йилга ахлоқ тузатиш жазоси билан «сийланган».

Шу билан бирга суд қарорида Х.Жовлиевга ер ажратиш тўғрисидаги тендер комиссиясининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилиши ва қайтадан тендер ўтказиш масаласи туман ҳокимлигига ҳавола этилганлиги ҳам ўз аксини топган.

Туман прокурори Т.Шовриков ҳам ўз навбатида туман ҳокимлигига қайтадан тендер ўтказиш юзасидан протест киритди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги 2006 йил 29 июлдаги 787/7-сонли қарори ва **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги Қонуннинг 32-моддасига, **«Ер кодекси»**нинг 36-моддаси ҳамда Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2006 йил 9 июндаги ҳукмига асосланиб, Х.Жовлиевнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдонини захирага қайтариб, ички тендер натижасига кўра, ушбу ер майдонининг 19,2 гектари Ботир Амирқулов раҳбарлигидаги фермер хўжалигига берилди.

Лекин фермернинг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки сохта диплом билан тендерда қатнашиб, судланган Холбўта Жовлиев туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритди. Ана шу аризадан сўнг...

Ва ниҳоят, вилоят хўжалик суди раиси Юсуф Назаров раислигида апелляция инстанциясида кўриб чиқилган мазкур низоли масалага боя юқорида таъкидлаганимиздек, одилона нуқта қўйилди.

Шу ерда азиз муштарийнинг диққатини масаланинг яна бир нозик томонига қаратишни лозим топдик.

Маълум бўлишича, олий маълумотли агроном сохта дипломи соҳиби бўлмиш Холбўта Жовлиев бир неча йиллардан буён Чироқчи туманидаги Т.Саримсоқов номли академик лицейда фаолият юритиб келган. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2006 йил 9 июндаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 22-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, 2 йиллик ахлоқ тузатиш жазосини эса... худди мана шу даргоҳда «ўтамоқда». Яъни мазкур билим даргоҳида хўжалик ишлари бўйича мудир лавозимида ишлаб келаётир...

Очиғи, биз масаланинг бу томонини тушунмадик. Шунинг учун ҳам мақолага сўнгги нуқта қўйишни лозим кўрмадик...

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
журналист

Tahrirsiz xat

Уйнинг эгаси ким?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен сизларгача ҳам ҳақиқат излаб жуда кўп идоралар эшигини қоқдим. Лекин уларнинг кўпчилигидан қониқарли жавоб топа олмаганим сабабли, охир-оқибат таҳририятга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Умид қиламанки, мактубимни беэътибор қолдирмайсизлар. Қимматли вақтларингизни олмаслик учун кейинги беш йил ичида бошимдан кечирган воқеаларни қисқача ҳикоя қилишга ҳаракат қиламан.

Мен 2002 йилнинг 11 мартида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Р.Галимов кўчаси (Ҳозирги вақтда бу кўча "Кулолтупрок", деб номланади) 24-уйни сотиб олдим. Уйни сотиб олган пайтимда у қаровсиз ва хароба ҳолда эди. Мен эски уйларни бутунлай бузиб ташлаб, унинг ўрнида янги, икки қаватли уй қурдим. Уй қурилиши якунланиши арафасида, яъни аниқроғи, 2003 йилга келиб, фуқаро А.А.Абдураззоқов уйнинг 1/3 қисмига даъвогар бўлиб чиқди. Унинг айтишига қараганда, у бу уйнинг 1/3 қисмини 1994 йил 19 октябрда сотиб олган экан. Хуллас, ҳамма тортишув ва оворагарчиликлар шундан сўнг бошланди...

Биринчидан, агар А.А.Абдураззоқов ҳақиқатан ҳам низоли уйнинг 1/3 қисмини 1994 йилнинг октябрь ойида сотиб олган бўлса, нега у шу пайтгача бу уйга келмади? Ҳеч бўлмаганда мен уйни бузиб, қайтадан қураётган пайтимда ҳам бирор эътироз билдирмади? Қачонки, эски уйни бузиб, унинг ўрнида икки қаватли янги уй тиклаганимдан кейингина ҳаққини талаб қила бошлади? Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?..

Иккинчидан, мен уйни харид қилиб, давлат нотариуси орқали ўз номимга расмийлаштирган пайтимда унга ҳеч қандай тақиқ қўйилмаган эди. Шундай экан, унинг даъвоси бутунлай ўринсиз бўлиб чиқади. Ваҳоланки, агар уй аввал сотилганда, гаровга қўйилганда ёки бошқа бирор-бир олди-сотди шартномаси қилишга қонун йўл қўймайдиган ҳолатлар бўлганида нотариус уни менинг номимга расмийлаштирмаган, энг аввало, мен ҳам низоли уй учун ўз ҳисобимдан маблағ сарфламаган бўлардим. Афсуски, бугунга келиб масаланинг бу томони ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

Учинчидан, бўлиб ўтган бир қатор суд жараёнларида А.А.Абдураззоқовнинг низоли уйнинг 1/3 қисмини Россия фуқароси В.Н.Лисенкодан тилхат орқали сотиб олганлиги тасдиқланмади. Бу ҳақда суд ҳужжатларида очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Шунга қарамасдан, бу асосий далил кўпчиликнинг "назар"идан четда қолиб кетаяпти.

Тўртинчидан, ва энг асосийси, суд тергови жараёнида 1994 йил октябрь ойида низоли уйнинг 1/3 қисмини А.А.Абдураззоқов номига расмийлаштирган нотариус Х.Х.Отақўзиев хатога йўл қўйганини тан олди. Х.Х.Отақўзиевнинг кўрсатмасига кўра, А.А.Абдураззоқов низоли уйнинг 1/3 қисмини ўз номига расмийлаштирган 1994 йилнинг 19 октябрида у давлат нотариусига "В.И.Лисенко кекса одам ва унинг бир оёғи йўқ, шунинг учун уни туштан сўнг, яъни мижозлар кам пайтида олиб келаман", деб алдаган. Унинг ваъдасига ишонган нотариус эса олди-сотди шартномасини имзолаб берган. Бу билан у Фуқаролик кодексининг 224-моддасига зид иш қилган ва буни ўзи ҳам тан олди...

Хуллас, бундай қонунбузилиш ҳолатлари хусусида истаганингизча мисол келтиришим ва уларнинг ҳар бирини мавжуд ҳужжатлар асосида тасдиқлашим мумкин. Лекин менга номаълум бўлган сабабларга кўра, ушбу ҳужжатлар айрим ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари "эътибор"идан четда қолди ва айнан ана шу "эътибор"сизлик эса менинг уйсиз қолишимга сабаб бўлмоқда.

Сўзимнинг сўнггида шуни таъкидлаб ўтишни истар эдимки, мен бутун умр қонунга бўйсуниб яшадим ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Агар қонун уйга эгалик ҳуқуқини ноқонуний асосда қўлга киритганимни исботлаб берса, уни топширишга розиман. Чунки биз адолатли, ҳуқуқий-демократик давлат қурояпмиз. Шундай экан, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўра-била туриб, томошабин бўлиб туришга ҳаққим йўқ. Сизлардан илтимос, менга ҳақиқат йўлида ёрдам берсангизлар.

Асия НАКЛЕСКИНА,
Яккасарой тумани,
"Кулолтупроқ" кўчаси, 24-уй

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Ушбу мактуб таҳририят хатқутисига келиб тушганига яқин икки ой бўлиб қолди. Албатта, биз уни белгиланган муддатда текшириб, чора кўриш учун мутасадди идоралар ихтиёрига ҳавола этган эдик. Лекин негадир ҳамон улардан жавоб бўлмади. Бу орада фуқаро таҳририятга иккинчи маротаба мурожаат қилди. Шундан сўнг А.Наклескинанинг мактубини қисқартирилган ҳолда газетада чоп этишга қарор қилдик. Қисқартирилган дейишимизга сабаб, шикоятчи таҳририятга тақдим этган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ўзи яқин юз саҳифадан иборат. Шундай экан, уни бир мақолага жойлаштириб бўлмайди. Биз эса ўқувчиларимизнинг эътиборини масаланинг асосий сабабларига қаратишни лозим топдик.*

Албатта, таҳририятга кимдир ҳақ ёки яна кимдир ноҳақ, деб ҳукм чиқариш ваколати берилмаган. Биз ҳам бундай хулоса қилиш фикридан йироқмиз. Лекин далиллар ўжар. Аризачининг қўлида унинг ҳақлигини исботловчи талай ҳужжатлар мавжуд. Бизнинг вазифамиз эса ушбу ҳужжатларга мутасадди идораларнинг эътиборини қаратишдан иборат. Умид қиламизки, тез орада А.Наклескина ва А.Абдураззоқов ўртасидаги низога қонуний баҳо берилади ва ҳар икки фуқаро ортиқча ташвишлардан халос бўлади. Зеро, бизнинг ниятимиз ҳам бировга ён босиш эмас, аксинча, адолат тантана қилишига ҳисса қўшишдир.

Qaror va ijro

Инсон саломатлигидан азизроқ нарса йўқ

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатсиз, алкоголли маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик, савдо ташкилотлари томонидан алкоголли маҳсулотларни чакана сотишнинг белгиланган талабларига сўзсиз риоя қилиниши устидан назорат қилишни кучайтириш ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар билан белгиланган ва доимий равишда назорат қилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 16 мартидан Президентимизнинг **«Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПҚ-605-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2007 йил 1 майдан бошлаб алкоголли маҳсулотлар юридик шахслар томонидан вилоят ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари асосида фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган дўконлар, алоҳида савдо заллари (секциялар) орқали сотилиш тартиби белгиланди.

Бинобарин, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаридан 300 баробаригача миқдорда жарима солинади.

Туманда инсон саломатлигига хавф туғдирадиган, сифат-сертификатсиз ва ноқонуний йўллар билан олиб келинган алкоголли ичимликлар сотилишини олдини олиш мақсадида 2006 йил давомида 15 та текшириш ўтказилган бўлиб, ўтказилган текширишларнинг барчасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган, ноқонуний равишда спирт ва алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилаётган 15 нафар фуқарога нисбатан баённомалар тузилиб, 2 литр суммаси 5,0 минг сўмлик спирт ва 158,5 литр суммаси 412,5 минг сўмлик алкоголли маҳсулотлар белгиланган тартибда далолатнома асосида савдодан олиб қўйилди. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тўпланган ҳужжатларнинг барчаси қонуний чора кўриш учун туман Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК бўлимига ўтказилган, 2 та фуқарога нисбатан жиноий иш очилган. Жумладан, тумандаги О.Фармонов фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи фуқаро Н.Шеровага 31,0 литр суммаси 80,4 минг сўмлик алкоголли ичимликлар билан ноқонуний савдо қилаётганлиги учун, тумандаги «Кескантерак» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қўшқочди» маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Абдуллаевга, 2,0 литр суммаси 5,0 минг сўмлик спирт, 33,5 литр суммаси 96,6 минг сўмлик алкоголли ичимликлар билан ноқонуний савдо қилаётганлиги учун жиноий иш қўзғатилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-чораги давомида 5 та текшириш ўтказилган бўлиб, ўтказилган текширишларнинг барчасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган, ноқонуний равишда спирт ва алкоголли маҳсулотлар сумма-си 341,4 минг сўмлик алкоголли маҳсулотлар белгиланган тартибда далолатнома асосида савдодан олиб қўйилган. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тўпланган ҳужжатларнинг барчаси қонуний чора кўриш учун туман Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК бўлимига ўтказилган, 2 нафар фуқарога нисбатан жиноий иш очилган. Жумладан, тумандаги С.Жўраев фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи фуқаро Ф.Ғофуровга 11,5 литр суммаси, 37,7 минг сўмлик алкоголли ичимликлар билан ноқонуний савдо қилаётганлиги учун, тумандаги «Арабсарой» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Сарой» маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Пайзиевга 83,0 литр суммаси 242,2 минг сўмлик алкоголли ичимликлар билан ноқонуний савдо қилаётганлиги учун жиноий иш қўзғатилди.

Ноқонуний равишда олиб келинган спирт ва алкоголли ичимликлар савдосини чеклаш, сифат-сертификатсиз ва истеъмолга яроқсиз алкоголли ичимликлар сотилишининг олдини олиш Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан доимий назоратга олинган. Зеро, инсон саломатлигидан азизроқ нарса йўқ.

Мардон ЖАББОРОВ,
Навбаҳор туман ДСИ бошлиғи

Huquqiy ma`rifat

Ҳуқуқ ва эркинлик кафолати

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим шартларидан бири-ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла кафолатлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар талабларига мос бўлган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг кафолатлари белгилаб қўйилган.

Кафолатнинг асосий вазифаси ***фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини*** амалга ошириш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдир.

Конституциямизнинг 43-моддасида: **"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди"**, деб белгиланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амал қилиш механизмини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Шу аснода, жамият аъзолари қонун устуворлигига сўзсиз амал қилиш, ўзгалар манфаатларига хурмат билан қараш ҳамда давлат олдидаги бурчларини сўзсиз адо этишдек кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи кафолатларни — ҳуқуқий кафолатлар, ижтимоий-сиёсий кафолатлар, иқтисодий кафолатлар, халқаро ҳуқуқий кафолатларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Ҳуқуқий кафолатлар мазмунан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ҳамда чегаралашнинг юридик меъёрларини мустаҳкамлаш;
- фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширишларида давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъуллиги;
- тажовуз этишдан ҳимояланишни таъминловчи махсус меъёрлар (шикоят, судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари) мавжудлиги;
- ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарликнинг (мулкий, интизомий, маъмурий, жиноий) белгиланганлиги;
- давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни мустаҳкамлашда жамоат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти.

Конституциявий кафолатларга бевосита мамлакат Конституциясининг ўзида мустаҳкамланган кафолатлар киради. Масалан, Бош Қонунимизнинг 46-моддасида мустаҳкамланган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги норма бунга яққол мисолдир. Аёл ва эркакнинг тенглиги деганимизда биз, аввало, уларнинг қонун олдида, меҳнат ва бошқа рағбатлантиришлар, ижтимоий муҳитдаги манфаат ва эҳтиёжларининг тенглигини тушунамиз.

Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашда, аввало, ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимояси махсус ваколатга эга бўлган одил, малакали суд томонидан амалга оширилади, бузилган ҳақ-ҳуқуқлар қонуний йўллар билан тикланади. Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш бевосита Конституциянинг 44-моддасида ўз аксини топган, яъни **"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".**

Мазкур норма **"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"**ги Қонунда тўла ривожлантирилган.

"Судлар тўғрисида"ги Қонунга кўра, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш суд органларининг вазифаси этиб кўрсатилган. Шунингдек, **"Прокуратура тўғрисида"**ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилишидир.

Судга шикоят қилиш ҳуқуқи фуқаролар томонидан уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида тиклашни талаб этиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишининг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган. Фармоннинг 1-бандида: **"жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин"**, деб белгиланган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан амалга оширилади. Янги таҳрирдаги **"Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган».**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жиноий жазоларни либералаштириш мақсадида 2005 йил 1 августда Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг 1-бандида: **"Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин",** деб белгиланди. Демак, ушбу Фармон ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан асосий мақсад инсон ҳуқуқи ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтариш, уларни кафолатлаш эканини яна бир карра исботлади.

Ижтимоий-сиёсий кафолатлар давлатда амал қилиб турган сиёсий тизим билан боғлиқ. Ушбу тизим инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш учун хизмат қилади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш кўпинча давлатнинг олиб бораётган ижтимоий сиёсатига боғлиқ бўлади. Масалан, Конституциямизнинг 45-моддасига кўра, **"Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир"**. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдир. Биз кўпинча давлатнинг ижтимоий ҳимояси деганда, моддий ёрдамни тушунамиз. Аслида эса, давлат аҳолининг ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳал этганда, дастлаб ҳар бир фуқарони иш билан таъминлашни назарда тутади. Агар фуқаро ўзига мос меҳнат шароитларига эга бўлса, жамият ва давлат тез ривож топади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, фуқаро ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган маблағга эга бўлиб, унинг ижтимоий фаоллиги ошади. Бу эса ҳар қандай давлат тараққиётининг мустаҳкам кафолати ҳисобланади.

Бу борада фуқароларнинг билим олишларини кафолатлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмли, ўқимишли бўлишдан нафақат инсоннинг ўзи, балки бутун жамият ва давлат манфаатдордир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашга қаратилган. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминламасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шаклантириш мумкин эмас. Бу борада собитқадамлик билан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганига эса ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Севара СОБИРОВА,
ТДЮИ талабаси

Jamiyatimiz maqsadi

Давлат равнақи — оқилона сиёсат самараси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бу каби ижтимоий зиддиятлар азалий анъаналар ва қадриятларга ҳам салбий таъсир ўтказади. Қолаверса, маданиятнинг, илм-фаннинг оқсашига, муҳитнинг беқарорлигига, аҳоли орасида манфаатпарастликнинг кучайишига, табақалар ўртасида низоларнинг авж олишига олиб келади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароит тараққиётни хавф остида қолдиради. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ асос солинган, миллий менталитетидан келиб чиқиб ўзига хос ва мос, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясига монанд яратилган ўзбек модели мамлакат равнақи, келажаги учун энг тўғри йўл бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганига эндигина 15 йилдан ошган бўлса-да, бозор иқтисодиётига ўтишда босқичма-босқич эволюцион йўл билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини халқ ўз турмушида кўриб, адолатли сиёсатнинг натижаларини аллақачон тушуниб етган. 70 йилдан ортиқ давр мобайнида тоталитар тузумнинг исканжасида яшаган эркинлиги, иқтисоди ўзганинг ихтиёрида бўлган ҳар қандай мамлакат учун 15 йил кўз очиб юмгулик лаҳзадир. Ижтимоий инфраструктура етарли даражада ривожланмагани, сиёсатдаги яккапартиявийлик мафкураси иқтисодиётдан, ижтимоий соҳадан устунлиги мамлакат иқтисодиётини батамом издан чиқарган эди. Ана шундай оғир шароитда ўзини мустақил, деб эълон қилган Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, миллий менталитетни, табиий муҳит шароитини инобатга олган ҳолда, аниқ мақсадга йўналтирилган тадрижий тараққиёт йўлини танлади. Бу инсонпарвар сиёсат кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилига хос кучли ижтимоий сиёсатдир.

Аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат мамлакат иқтисодиётида барқарор ўсиш суратларини тезлаштирди, кенг тармоқли ишлаб чиқариш, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш ривожланди, халқнинг асрий қадриятлари, бобомерос урф-одатлари сайқал топди. Бирдамлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби туйғулар қайта жонланди, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барча тармоқлари тубдан янгиланди ва янгиланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб 26 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Мамлакатимиздаги ўзига хос демографик вазият — бу аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ҳар йили юксак суратлар билан ўсиб бораётганидир. Бу бир томондан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш билан бирга айрим ижтимоий, маиший муаммоларни ҳам юзага келтириши табиий ҳол. Лекин мамлакатда босқичма-босқич амалга оширилаётган ўзгаришлар янги иш ўринлари яратилиб, ишсизликнинг ҳал этилаётгани, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутнинг камайгани, аҳоли турмуш даражасининг йилдан-йилга фаровонлашиб, мамлакатда соғлом муҳит қарор топаётганининг муҳим омилидир. Кичик бизнес ва тадбиркорликка, ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришга, қишлоқ жойларда касаначиликка берилган жиддий эътибор ўз самарасини бераётир. Айниқса, ижтимоий муҳофазанинг кучли қонуний асоси яратилгани наинки мамлакатимиз, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътиборини тортди. Аҳолини кучли ижтимоий муҳофазага олишга доир Фармон ва қарорларнинг, дастурларнинг эълон қилиниши мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг ўсишига қаратилган кенг кўламли инсонпарвар сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Тарихан қисқа даврда қўлга киритилган ютуқлар, дунё ҳамжамияти билан тенгма-тенг манфаатли ҳамкорлик натижалари, одилона, умуминсоний қонун-қоидаларга мувофиқ олиб борилаётган ташқи сиёсат ривожланган мамлакатларнинг Ўзбекистон билан ҳисоблашишига олиб келди. Марказий Осиё минтақасида эркин бозор муносабатларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшаётган, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга давлат ҳисобланадиган диёримиз, айни вақтда, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб улгурди. Бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган кўпгина мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож топаётган ўлкамизга жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётган, эркин бозор муносабатлари қарор топаётган муҳим минтақа сифатида қарамоқда. Бу жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзига, ўз ўрнига эга бўлган, неча йиллар давомида халқимиз орзу қилган миллий давлатчиликнинг чинакам равнақидан далолатдир.

Аслиддин СУЮНОВ

Huquqiy savodxonlik sari

Суд буйруғи тартибида иш кўриш

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, жумладан, суд ҳокимияти тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишлардан кўзда тутилган асосий мақсад, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида суд буйруғи тартибида ишни кўриб, ҳал этиш нормаси белгиланган: **«Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибида, даъво тартибида ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди»**.

Фуқаролик ишларининг юқорида кўрсатилган айрим турларини суд буйруғи тартибида кўриш манфаатдор шахсларнинг қонунларда белгиланган процессуал ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, иш қўзғатмасдан аризани ҳал этиш имконини беради.

Суд буйруғини чиқаришга доир талаблар таҳлил этилганда қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- манфаатдор шахснинг суд буйруғини чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқи фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина амалга оширилади, бунинг учун судга тақдим қилинадиган ҳужжатлар, тарафлар ўртасида низо келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, илгари нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;
- суд буйруғи тартибида иш юритиш учун талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлиши лозим. Қонунда нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, битимлар оддий ва ёзма шаклда тузилиши мумкинлиги белгиланган (ФКнинг 108-моддаси). Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризада қонунда белгиланган қоидаларга риоя этиш талаб қилинади. Судья бундай аризани процессуал қоидаларнинг умумий талаблари асосида қабул қилиши лозим.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза, аксарият ҳолларда, аризачи томонидан, айрим ҳолларда эса, вакил этилган шахс томонидан ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда судья вакилнинг ваколатларини текшириши, агар ариза ваколати бўлмаган шахс томонидан берилгани аниқланса, уни рад этиш керак. Суд буйруғини чиқаришда давлат божини тўлаш тартиби ва миқдори ҳам ушбу қоидада ўз ифодасини топган. Суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан 3 кун ичида чиқарилиши лозим.

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади: иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана; суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари; ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери; қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ва жойлашган ери; талабни қондириш учун асос бўлган қонун; ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати; агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори; қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси; арз қилинган талабга қарши қарздорнинг эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Суд буйруғи судья томонидан имзоланади.

Суд буйруғи чиқарилгач, судья унинг нусхасини дарҳол қарздорга юбориши лозим. Қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида талабларга қарши ўз эътирозини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

Суд буйруғи асосида кўрилган ишдан сўнг жавобгар белгиланган муддат (10 кун) ичида эътироз билдирмаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этиш учун ундирувчига беради.

Хуллас, суд буйруғи асосида иш юритишнинг бу тури ариза билан мурожаат қилган шахс талабларини эътиборга олиб, қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган мол-мулк ва пул маблағларини судда ишни кўрмасдан, судья томонидан чиқарилган ҳужжат асосида ундирилишига ва низоли муаммоларнинг тез, аниқ ҳал этилишига имкон яратади.

Фарҳоджон ШАРИПОВ,
НамДУ талабаси

Mulogot

Суюнчи пули оласиз. Аммо..

— Мен уй бекасиман. 2006 йил 7 сентябрда фарзандли бўлдим. Маҳалла қўмитасига суюнчи пули ва 2 ёшга тўлгунга қадар болаларга тўланадиган нафақа олиш масаласида мурожаат қилган эдим. Бироқ улар оиламиз даромадини ҳисоблаб, суюнчи пули ва 2 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақани беришни рад этишди. Шу тўғрими?

Адиба ШУКУРОВА,
Тошкент шаҳри

— Маҳалла қўмитаси фарзанд туғилганидан сўнг суюнчи пулини бериши шарт. Аммо 2 ёшга тўлгунга қадар болаларга тўланадиган нафақа пулини тўламайди.

Биринчи ҳолат юзасидан, маҳалла Ўзбекистон Республикаси **«Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 6-бандига мувофиқ бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида берилади.

Боланинг отаси ишламайдиган ёки ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган отаси ёки ота-онасини ўрнини босувчи шахсларга тўланади.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилгандаги нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади. (Маҳалла қўмиталари орқали) Чунки бу давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўланадиган нафақага киради.

Иккинчи ҳолат бўйича эса, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16 ва 8-сон қарори билан тасдиқланган **«Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлик учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 10-бандида бу ҳақда айтиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ оилалардаги ишлайдиган оналарга (уларни ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш нафақаси оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

Нафақа оила даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда сўзсиз тартибда қўйидагиларга тайинланади:

- тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи белгилайди;
- ногирон болаларни, тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Иш берувчи ҳақ

— Марҳум турмуш ўртоғим хизмат вазифасини ўтаётганда бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Бу ҳолатни тасдиқловчи Н-1 шаклдаги далолатнома ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 194-моддасига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақани сўраб иш берувчига мурожаат этсам, марҳум сизларга (фарзандларим 18 ёшдан ошган, мен пенсия ёшига етганим йўқ) боқувчи эмас, ўзлари-ўзларини боқишлари керак, ҳеч қандай зарар пули, бир йўла бериладиган нафақа пули, товон пули, хун пуллари берилмайди деб жавоб берди. Иш берувчи ҳақми?

Х.АНАРБОЕВА,
Ангрен шаҳри

— Ҳа, иш берувчи ҳақ. Чунки Меҳнат кодексининг 187-моддаси 1-қисмига асосан, ўз меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса унинг оила аъзоларига (192-модданинг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) иш берувчи, башарти ушбу кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда қоплайди.

Кодекснинг 192-моддаси 1-қисмида эса ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи мархумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандларига, шунингдек, ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки неваларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Демак, бундан кўриниб турибдики, иш берувчи маъмуриятнинг хатти-ҳаракатлари тўғри.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

G'ALLABANK

Республика Акционерлик-Тижорат «Ғаллабанк»и Мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларига «KAMALAK», «NAVBAHOR», «SHODLIK» ҳамда «SEVINCH» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 15 апрель-15 июнь кунлари 4,3,2 ҳамда 6 ой муддатларга қабул қилинади ва йиллик 18,0 фоиздан 22,0 фоизгача устама тўланади. Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз.

т/р	Омонат (депозит) номлари	Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлар
А	В	1	2	3	4	5
1	"KAMALAK"	Муддатли	4 ой	18,0	100000	Маблағ 2007 йилнинг 15 апрелидан 2007 йилнинг15 июнь (15 июнь куни кирган ҳолда) кунигача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
2	"NAVBAHOR"	Муддатли	3 ой	20,0	100000	Маблағ 2007 йилнинг 15 апрелидан 2007 йилнинг15 июнь (15 июнь куни кирган ҳолда) кунигача қабул қилиниб, йиллик 20% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сунг тўлаб берилади.
3	"SHODLIK"	Муддатли	2 ой	22,0	200000	Маблағ 2007 йилнинг 15 апрелидан 2007 йилнинг15 июнь (15 июнь куни кирган ҳолда) кунигача қабул қилиниб, йиллик 22% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар омонатнинг муддати тугагандан сунг тўлаб берилади.
4	"SEVINCH"	Муддатли	6 ой	22,0	200000	Маблағ 2007 йилнинг 15 апрелидан 2007 йилнинг15 июнь (15 июнь куни кирган ҳолда) кунигача қабул қилиниб, йиллик 28% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
5	Талаб қилиб олгунча	Талаб қилиб олгунча	муддатсиз	2,4	100	талаб қилиб олгунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади.
6	Пластик карточка	Талаб қилиб олгунча	муддатсиз	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	талаб қилиб олгунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади, омонатга фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
7	"Саломатлик"	муддатли	11 ой	16,6	10000	Ойига 1,4% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш ҳамда саломатликни тиклаш учун сарфланади.
8	"Нафақа-мададкор"	муддатли	1 йил	15,1	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,3% устама тўланади.
9	"Ishonch"	муддатли	3 ой-3 йил	15,1-17,1	10000-5000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузилган шартномага биноан 15,1%дан 17,1%гача устама тўланади.
10	"Luks"	муддатли	3 ой-3 йил	15,6-17,6	5000000-10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,6% дан 17,6%гача устама тўланади.
11	"Kafolat"	муддатли	3 ой-3 йил	16,1-18,0	10000000 юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 16,1% дан 18,0% гача устама тўлашга келишилади.
12	"Sarmoya"	муддатли	1 ой	18,0	100000	Маблағ 2006 йилнинг 15 ноябридан 2007 йилнинг 15 май кунигача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади.
13	"Sovg`a"	муддатли	3 ой	18,0	500000	Маблағ 2006 йилнинг 15 ноябридан 2007 йилнинг 15 май кунигача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади. Омонат учун устама фоизлар олдиндан тўлаб берилади.
14	"Mehr"	муддатли	6 ой	18,0	100000	Маблағ 2006 йилнинг 15 ноябридан 2007 йилнинг 15 май кунигача қабул қилиниб, йиллик 18% миқдорида устама ҳисобланади. Ҳисобланган устама фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
15	"Меҳригиё"	жамғармали	18 ёшгача	14,0	10000	Йилига 14,0% дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
16	"Kelajak"	жамғармали	16 ёшгача	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	Қўшимча фоиз омонат банк томонидан қабул қилинган кунда амалда бўлган МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Омонат сўммаси 16 ёшгача сақланади.
17	"Коммунал омонати"	муддатли	3 ой ва ундан юқори	18,0	100000	Аҳоли уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 18,0% миқдорида устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Банкда сақланаётган омонатларингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин.

Asr vabosi

Гиёҳвандлик — иллат

Гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда умуминсоният олдидаги энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу офатнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва экспертиза муассасаларида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳам бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бугун шу турдаги жиноятларни фош этишдек масъулиятли вазифани бажаришда Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Божхона, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан бир қаторда суд экспертиза хизматининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Гиёҳвандликнинг нақадар хавфли касаллик эканлиги айни пайда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Мамлакатимизда ушбу хасталик омилларидан бири-унинг олди-сотдиси билан шуғулланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳуқуқий негизи аллақачон яратилган. Бироқ юртимиз ҳудудидан ҳамон гиёҳванд воситалар савдосида транзит сифатида фойдаланишга уриниш ҳоллари кузатилмоқда. Жумладан, «Олтин ярим ой» (Афғонистон, Покистон, Эрон) ва «Олтин учбурчак» (Мьянма, Хитой, Лаос) минтақаларидан келаётган опий, героин ва гашиш каби гиёҳванд воситалар Ўзбекистон орқали Россия, Украина, Болтиқ бўйи давлатлари, Шарқий ва Ғарбий Европага ўтказилмоқда.

Бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг кўп қисми вояга етмаганлар томонидан содир этилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг «Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистика экспертиза» лабораториясида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг синтетик ҳамда қалбаки турлари аниқланади. Лабораториямизда гиёҳвандлик воситалари (марихуана, гашиш, опий, героин ва бошқалар)ни текширишнинг комплекс тадқиқот услублари ишлаб чиқилган.

Замонавий усуллар ёрдамида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг синтетик турлари табиати, таркибий қисмлари ва актив таъсир қилувчи моддаларнинг соф миқдори, улар таркибидаги микроэлементларни миқдорий жиҳатдан аниқлаш ҳамда ушбу комплекс тадқиқотлар натижасида текшириш учун юборилган намуналарни умумий масса (ёки бир манба)га мансублиги ёки мансуб эмаслиги аниқланади.

Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг синтетик турлари (аналоглари)ларнинг келтириб чиқарадиган салбий физиологик-фармакологик таъсирлари ҳақида шуни айтиш лозимки, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг синтетик бирикмаларини одам организмига таъсир этиш хусусиятлари, худди психотроп моддалар ёки уларнинг бошқа кўринишдаги дори препаратларининкидек, кўп қиррали ва мураккабдир. Гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилинганда улар турли руҳий синдромларни келтириб чиқаради:

Масалан, қарам бўлиб қолишлик — яъни, уларни бир неча бор қабул қилиш натижасида организм унга ўрганиб қолади, организмда жисмоний ва руҳий қарам бўлиб қолишлик ҳолати юз беради, бунинг оқибатида эса гиёҳвандлик касаллиги келиб чиқади. Ушбу касалликка чалинишнинг оқибатлари хусусида эса, ўйлаймизки ҳамма биладди.

Демак, гиёҳвандлик инсон саломатлигининг заволи, у пировардида ўлимга олиб келади, бу эса энг даҳшатли фожеадир.

Т.ХОЛИҚОВ,
Р.АҲМЕДОВА

Тан олиш керакки, симсиз алоқа – қўл телефонларининг пайдо бўлиши, алоқа тизимида кескин инқилоб ясади. Бугун қаерда бўлишингиздан қатъи назар, оилангиз, яқинларингиз билан бемалол мулоқот қилишингиз мумкин. Бу жуда яхши. Лекин шу ўринда ота-боболаримизнинг ҳар яхшининг бир ёмони бўлади, деган ҳикматли сўзини яна бир ёдга олиб қўйсак ёмон бўлмасди.

Luqma

Телефон ва талаба

ёхуд яна энг афзал алоқа воситасининг фойда ва зарари хусусида

Чунки бугунги кунда кўпчилик ёшларимиз қўл телефонларини алоқа воситаси эмас, балки модага айлантириб юборишди. Лекин мобиль телефонларининг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Агар фикримизга талаба-ёшлар ҳаётидан мисол келтирсак, бу салбий жараён кўзга янада яққолроқ ташланади. Маълумки, бугун талабаларнинг 90 фоизга яқини қўл телефонларидан фойдаланадилар. Албатта, замон билан ҳамнафас яшашни ҳамма истайди. Лекин бир ўйлаб кўринг-а, 90 фоиз талабалардан неча фоизи дарсда телефонларини ўчириб қўйишади? Келинг, тахминан 50 фоизи дейлик, қолган 40 фоиз талабаларнинг телефони дарс жараёнида ўчирилмайди. Табиийки, дарс пайтида жиринглаган телефон машғулотни бузади. Бу биринчидан, дарс ўтаётган устозга нисбатан ҳурматсизлик, иккинчидан, маъруза тинглаётган бошқа талабаларнинг хаёлини бузади. Шу билан дарсдан қутилган натижага эришилмай, домланинг насиҳати билан якунланади.

Телефони борлар майлику-я, қолган 10 фоиз телефони йўқ талабалар нима қилишади? Улар ҳам ҳеч кимдан кам бўлмай, деб ота-оналарини сиқувга оладилар. Бундай воқеаларга нафақат талаба ёшлар орасида, балки мактаб ўқувчилари орасида хам дуч келишимиз мумкин.Масалан, курсдошимнинг эндигина 8-синфга ўтган укаси дадасига нималарнидир тушунтиришга уринаётган эди. Эътибор бериб қарасак, телефон машмашаси экан.

— Дада, ҳамма дўстларимда телефон бор.Болаларнинг орасида икки кишининг телефони йўқ. Шуларнинг биттаси менман. Уларнинг олдида уялиб қоляпман.Менга хам телефон олиб беринг, бўлмаса мактабга бормайман, — деди маъюс оҳангда ўғил. Ота эса:

— Ўғлим, шукур қил, ҳалиям ёлғиз эмас экансан.Бизнинг давримизда ҳаттоки уй телефон ҳам бўлмаган, биз яшаб юрганмиз-ку. Ҳали мактабни битирмай туриб, телефон кўтаришга йўл бўлсин. Менинг ёшимга ет, ишла, пул топ, кейин ўзинг сотиб оларсан. Ҳозир эса ўқишингни ўйла.Сени чалғитадиган нарсаларга эса эътибор берма, — деб жавоб қайтарди ота...

Лекин бугунги кунда ҳамма ота-оналар ҳам фарзандларига шу жавобни бераяптими?

Биз бу билан телефонлардан фойдаланиш мумкин эмас, демоқчи эмасмиз, фақатгина ҳар нарсадан фойдаланишнинг ҳам меъёри бўлгани яхши, демоқчимиз, холос.

Дилфуза ИРГАШЕВА,
Жавлон ЭРГАШЕВ,
ЎзДЖТУ талабалари

Одатда ўзаро мулоқот чоғида "ишончнома" деган иборани кўп ишлатамиз. Бироқ ишончнома ким томонидан берилади, қандай ваколатларни кафолатлайди, кимлар уни олиш ҳуқуқига эга, деган саволларга эса ҳамма ҳам жавоб бера олмайди. Ваҳоланки, ҳаётда ҳар бир кишида ишончномага эҳтиёж туғилиши мумкин. Демак, ишончнома нима, у қандай, ким томонидан берилади, деган савол кўпчиликнинг қизиқтириши табиий. Биз қуйида ана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Mitti maslahat

Ишончнома нима?

Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни тасдиқлаши мумкин.

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва куни, ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исми (юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган манзили), турадиган жойлари, зарур бўлган ҳолларда эса эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилиши керак. Адвокатлар номига берилган ишончномада эса адвокатнинг иш жойи қайд этилади.

Ишончномада унинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилиб, бу муддат Фуқаролик кодексининг 139- моддасида кўрсатилганидан ташқари, барча ҳолларда уч йилдан ошмаслиги керак.

Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома эса тузилган кундан бошлаб, бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўз навбатида тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончнома берилган шахс, унга ишончнома билан бирга ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилган ҳолда у бу ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 136,137,138-моддаларида назарда тутилганидан ташқари барча ҳолатларда ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома тақдим этилган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиқ бўлиши мумкин.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончномада асосий ишончнома гувоҳлантирилган вақт ва жой асосий ишончнома берилган шахснинг ва бу шахс ўз ваколатини ишониб топшираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истиқомат қиладиган жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг мансаб-мавқеи кўрсатилиши керак.

Асосий ишончномада ўзга кишига ишониб топширилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади.

Асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдириладиган ишончнома нусхасига тикиб қўйилади. Шундан сўнг ишончноманинг бошқа шахсга ўтказилишини тасдиқлаш чоғида асосий ишончноманинг нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Бундай вазиятда асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдирилиши шарт эмас.

Муҳаррам ТУРСУНХОДЖАЕВА

Qilmish-qidirmish

Тўғри юрган етар муродга...

... Улар ўз вақтида бу қилмишларининг одамийликка, мавжуд қонунчиликка зид эканлигини зиғирча бўлса-да, мушоҳада қилиб кўрганларида бугун қонун олдида жавоб беришмаган бўлардилар.

Аммо... аммо минг таассуфлар билан таъкидлаш жоизки, жиноят юз берди. Кишини ўйлантирадиган томони, жиноятчилар уни онгли тарзда содир этишди. Чунки улар балоғат ёшидан ўтган, теран фикрлашга қодир инсонлар бўлиб, бири 33 ёшда бўлса, иккинчиси 27 ёшда...

Судланувчилардан бири Алижон Ўрозовнинг кўрсатмалари орқали бўлиб ўтган воқеани тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

«Ўша куни томорқа ағдараётганимда ёнимга поччам – Шухрат Шоматов келди. Одатдаги салом-аликдан сўнг, у — Бўстонлиқ туманида яшовчи тоғам Шокарим Жумабоев кеча мени сўраб телефон қилганлигини, ҳозир яна сим қоқишини баён қилиб турувдики, қўл телефони жиринглаб қолди. Ҳақиқатдан ҳам тоғам экан. Суҳбат асносида Шокарим тоғам менга Қозоғистонда ишлаш учун зудлик билан одам топишимни, уларнинг сони қанча кўп бўлса ўзимга шунча яхши бўлишини, борган ишчиларга 300 минг сўмдан ҳақ тўланишини, ҳар бир одам учун менга ҳам алоҳида пул беришини айтди...»

Унинг тўлиқ икрорлик билдиришича, Юлчи Тангиров, Ҳусан Алиқулов, Муҳаммад Жамонбоев ва Равил Газизяновлар ўша куннинг ўзидаёқ бу таклифга розилик беришган. Бўлажак ишчиларга қоп-қоп ваъдалар берилади, хуллас, уларнинг қўйни-қўнжи пуч ёнғоққа тўлдирилади.

Алижон уларнинг кўзларига тик боқиб, деярли олтиндан тоғлар ваъда қилаётганида хаёлидан фақатгина ўзига қувонч бағишловчи фикрлар шодаси ўтаверарди. Тоғаси ваъда қилганидек, одам қанча кўп бўлса «ўзига шунча яхши». Яъни даромад салмоқлироқ бўлади. Майли, ҳозирча бу лақмаларни ялиниб-ёлвориб бўлса-да, ишонтириб, олиш керак. Ана шунда илк марра уники бўлади. Агар ишлар авж олиб кетса борми, зўр бўларди-да! Эски ҳовли ўрнида янги қаср, ёғи артилмаган «иномарка» дегандай... Яна... яна эҳ-ҳе, қолганини ўзиям таърифлаб беролмайди. Зап тоғаси бор-да, нафсиламбрини айтганда тоға, дегани худди шундай бўлиши керак. Жиянига пул керак бўлиб, бошини қай деворга уришни билмай юрганини қаёқдан билдийкан?! Бекорга ички ишлар бўлимида ишламайди-да. Тўғриси, тоғасининг калласи нақд компьютернинг ўзи. Милиция идорасида ишлаганидан сўнг бу каби ишларнинг «ҳиди»ни ҳам умуман чиқармаса керак. Манави ердаги Қозоғистон экану, тоғаси қуруғидан мўлроқ чўзиб турса унданам олисга одам жўната олади...

Алижон юқоридаги хом хаёллар туфайли ўзини ўша топда жудаям «бахтли» ҳис қиларди. Жисми-жони «оқиб келажак» бойлик ишқида бир куяр, бир ҳузурланарди...

2006 йил 17 июль куни эрталабки соат 7:00 да Гулистон тумани Дўстлик хўжалигидан чиққан, киракаш Тўрабой Исоқов бошқарувидаги «Дамас» автомашинаси шитоб билан Чирчиқ шаҳри томон йўл олди. Машина салонида ойига 300 минг сўмлик маош талабгорлари билан бир қаторда «карвонбоши» — Алижон Ўрозов ҳам бор эди. Шаҳарга кирар чоғларида Алижон қувонч билан тоғаси Шокарим Жумабоевга қўнғироқ қилиб, айтилган манзилга деярли етиб келганликларини баён қилди. Тоғажиян кейинги сўзлашувларда шу шаҳарда учрашишга келишишган, бу ернинг чегарага яқинлигини ҳисобга олишганди. Ш.Жумабоев «меҳмонларни маҳтал қилмасдан», жиян айтган жойга зудлик билан етиб келди ва ҳайдовчига рулни «Черняевка» — Ўзбекистон-Қозоғистон чегара постига қараб буришни буюрди ва бу ерга етиб келиши билан қозоғистонлик «ҳамкасби» Талғатга телефон қилди. Тезда етиб келган «харидор» Ш.Жумабоев билан машина ташқарисида узоқ суҳбатлашди ва охир-оқибат йигитларни олиб чегарадан ўтиб кетди...

Шу ерда жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган Муҳаммад Жамонбоевнинг кўрсатмасидан қисқача кўчирма келтириб ўтишни лозим топдик:

«Талғат биз тўртовлонни таксига ўтирғазиб, Чимкент шаҳридаги Шимолий-шарқ мавзеси 260-участкадаги бир хонадонга олиб борди-да, Душан Ўринбосаров деган кимса билан таништирди-ю, ортига қайтиб кетди. Уй эгаси эса бизга гишт қуйишни буюрди. Иш ҳақимизни олдиндан келишиб олишни айтганимизда масхараомуз кулди-да, сўнг «сизларни 750 минг сўмга сотиб олдим», деди. Ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик. Алдганимизни — Алижон билан Шокарим бизни Талғатга, Талғат эса Душанга сотганлигини англаганимизда, афсуски, кеч бўлганди. Чунки барча ҳужжатлар-у, инон-ихтиёримиз уй соҳибида эди. Ишонасизларми, егулик овқатни ҳам лой қораётган жойимизга келтириб ташлашарди. Иш ўта оғир, ейиш-ичишнинг, ётиш-туришнинг умуман тайини йўқ эди. Кун сайин силламиз қуриб борарди. Биздаги кучли норозиликни сезган Душан бақувват, норғул йигитлардан бизни ишлатиш учун ишбоши ва қоровул тайинлади. Соҳибни фақат иш унуми қизиқтирарди. Ҳар гапининг бирида бизни 750 минг сўмга сотиб олганлигини пеш қиларди. Қани ишламай кўр-чи, бошимизга тушажак бундан-да даҳшатли қора кундан чўчирдик очиғи. Охир-оқибат пичоқ бориб суякка тақалди, хўрлигимиз келди. Шериклар билан маслаҳатлашдик-да бир куни тунда қочдик. Чимкентдан икки кун поюпиёда йўл босиб, юртимизга кириб келдик. Ана шунда ўз уйинг-ўлан тўшагинг деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир карра иймон келтирдик...»

Ҳа, ота-боболаримиз бежизга Олиснинг қуйруқдан яқиндаги ўпкаси яхши, дейишмаган. Яна бир мақол ҳам борки, юқоридаги аянчли ҳолатга жуда мос келади. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу. Демоқчи бўлганимиз, ойига уч юз минг сўмни ўзимизда ҳам ишлаб топса бўлади. Давлатимиз, ҳукуматимиз инсон омилини олий даражага кўтараётган, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилувчи қатор қонунлар қабул қилган ва қилаётган, умуман, эркин меҳнат ҳуқуқини таъминлаб қўйган, ҳалол йўл билан даромад топишга барча шарт-шароитларни яратиб бераётган бир паллада «қуйруқ» изламоқ олисга бориш не даркор?!

Судланувчилар — Ўрозов Алижон ва Жумабоев Шокаримга нисбатан тергов органлари томонидан эълон қилинган Республика Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми суд мажлисида асосли, деб топилди. Хуллас, айбдорлар юқоридаги жиноий ҳаракатларни қасддан ва онгли равишда, одамлардан фойдаланиш мақсадида, уларни алдаш йўли билан ёллаб, республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетишликда айбланди.

Ҳукуматимиз сиёсати юксак инсонпарварлик тамойиллари асосида бунёд этилгани, қоланверса, айбдорларнинг муқаддам судланмаганликлари, қарамоғида ёш, вояга етмаган фарзандлари борлиги, яшаш жойидан берилган ижобий тавсифномалар, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни қоплаганликлари, шу боис уларнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик берилишини сўраб ёзган кўрсатмаларига асосан, суд айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш иши юзасидан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллашни лозим топди.

Биз ушбу мақола билан кимларнидир оқ ёки қорага ажратмоқчи эмасмиз. Дилда андаккина мулоҳазалар пайдо бўлдики, буни айтиб ўтмасликнинг-да иложи йўқ. Ҳаётда инсон турли ҳолатларга тушиши, бошқача айтганда «қоқилиши» мумкин. Лекин тўғри, равон йўлдан юрган одам «қоқилмайди». Алижон ва Шокаримлар ҳам тўғри йўл қолиб эгрисидан юрганликларининг жазосини олишди. Мард одам ҳаётдаги хатоларидан ўз вақтида тўғри хулоса чиқара олишга қодир бўлади. Ўйлаймизки, иккала «қаҳрамонимиз» ҳам ана шу «қодир» инсонлар сафидан жой олишади.

Абдували БЕРДИМУРОДОВ,
Гулистон туман прокурори ёрдамчиси,
Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

Маънавий қашшоқлик

фожиага олиб келди

Маънавият-инсоннинг зийнати, кетмас давлати. Турмуш ихирчикирларига кенг назар билан боқиш кўникмаси маънавиятли инсоннинг амали. Баъзан жуда оддий ва жўн бўлган одатий воқеа-ҳодисаларга шу қадар катта эътибор берамизки, бундан кейинчалик фақат афсусланиш мумкин. Шунча эътибор, шунча куч-қувватни жиддийроқ, ҳаёт ва одамлар учун муҳим бўлган нарсаларга сарфлаганимизда борми, турмушимиз янада фаровон бўлиши шубҳасиз эди. Мен кегейлилик Шаригул Музаффарованинг жиноят ишини кўраётганимизда шулар ҳақида кўп ўйладим.

Агар Шаригул турмушининг пастбаланди, яхшилик ва ёмонлик ҳақида теран мушоҳада қила билганида эди, унинг ҳаёти бутунлай бошқача кечган бўларди, эҳтимол. Фарзандларини ҳам бошқача тарбиялаган бўлармиди...

Унинг Пўлат исмли фарзанди ҳамқишлоғи Раҳимани яхши кўрарди. Раҳима эса унга эътибор бермасди. Бир куни қизга гап отиб келаётганини, қизнинг янгаси Потима кўриб қолди.

— Нега қайнсинглимга шилқимлик қиляпсан? — койиди у йигитни. — Бу сенга ярашадими? Ҳаддингдан ошма.

Янганинг койиши Пўлатга оғир ботди. Гўё йигитлик шаънини топтади. Ғурурим синди, деб ҳисоблаган ўспирин ўз жонига қасд қилди.

Бу ҳолат истаган мушоҳадали кишини ўйлантириши табиий. Янгалардан бу каби койишларни эшитмаган йигит кам бўлса керак. Буни йигитлик шаънининг топталиши деб эмас, аксинча халқимизнинг эзгу удумларидан бири сифатида қараш тўғрироқ бўлмасмиди? Бу оилада қиз ўстираётганларнинг одатий танбеҳи. Қиз боланинг шаъни жуда мўрт бўлади. Шунданми, халқимиз унинг шаъни ва қадр-қимматини юксак билади. Уни ҳамиша ҳимоялайди. Қоланверса, ўспиринни одобахлоқ меъёрларига амал қилишга даъват этиш қачон айб саналган? Бир болага етти маҳалла ота-она эканини эътиборга олсак, бу оддий ҳолат.

Мабодо Фотима уни ҳақоратлади, деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, бу Пўлатнинг ўз жонига қасд қилишини оқламайди. Аслида дунёда ўз жонига қасд қилишни оқлайдиган сабабнинг ўзи йўқ. Бу ҳаракатни қонунларимиз ҳам, муқаддас динимиз қам қоралайди. Назаримизда бу фожианинг илдизи оиладаги муҳитнинг носоғломлиги, таълим-тарбиянинг ночорлигида. Афсуски, оилада унга етарли тарбия берилмаганлиги, миллий анъаналар, қадриятларни улуғлаш, ҳаётни севиш, уни эзгу амаллар билан бойитиш фазилатлари сингдирилмаганлиги Пўлатни ўз қобиғига ўралашиб қолишга мажбур этди. Оқибатда у ўз жонига қасд қилди.

Хаёлини фиску фасод банд этган Шаригул фарзанди фожиасида ўзининг ҳам айби борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Аксинча, бунинг учун Фотимани айблаб, ундан қасд олиш пайида бўлди. Кеча-кундуз бу ҳақда ўйлаб, ўзича ғам-ғусса чекди. Ақлу хаёлидан бегона бўлди.

Бир куни йўлда у Раҳимани опаларлари билан кўриб қолди.

Алами тўлиб-тошди. Қизни чеккароққа чақириб, гаплашиб олмоқчилигини айтди.

— Сен фоҳишасан, — ўшқирди у қизга. — Сен ва Фотима янганг гулдек ўғлимнинг қотилисанлар. Албатта, ўчимни оламан, ажалинг менинг қўлимдалиги ҳар доим ёдингда бўлсин.

Бу можарони қизнинг онаси эшитиб қолди.

— Нима гап, тинчликми? — у Шаригулдан сўради.

— Сенинг ҳам ажалинг менинг қўлимда, — бақирди Шаригул.

Сапура ёқасига туфлади...

Шаригул уйига кириб кетди. «Албатта, ўч оламан, албатта, уларни қириб ташлайман, шундагина юрагим совийди, шундагина боламнинг руҳи ором олади», деб таъкидлади ўз-ўзига.

Кўп ўтмай қўлига бир баклашка бензин ва гугурт олганича, Сапураларнинг уйи томон йўл олди.

Эшик олдида икки ўспирин қиз ўйнаётган экан.

– Сен кимсан? — сўради уларнинг биридан.

— Мен Сапура энамнинг набирасиман, — соддалик билан жавоб қилди Ақмарал.

— Фотиманинг қизимисан? — Шаригулнинг кўзи чақнаб кетди.

Содда қиз унинг ниятини қаердан билсин, «ҳа» дея бош силкиди.

— Мен билан юр-чи, иккаламиз гаплашиб олишимиз керак.

— Хўп, — қизалоқ унга эргашди.

У билан ўйнаётган Ирисгулнинг кўнглига ғулғула оралади, мурғак юраги аллақандай ёвузлик аломатини сезгандай бўлди.

— Ақмарал, борма, — қичқирди у. Ақмарал эса уни эшитмади.

Вужуди ва руҳини аламзадалик қоплаган Шаригул ақлу идрокдан буткул мосуво бўлганди. Юрагида озгина меҳр-шафқат мужассам инсон, озгина ақлига қулоқ солувчи жон унинг жирканч қилмишини ҳеч қачон содир этмасди. Шаригулни бундай фикрлар мутлақо безовта қилмасди. Фақат режасини бекаму кўст амалга ошириш тўғрисида ўйларди, холос. У қизни уларнинг қўшниси Сапарбой Қудеқовнинг оғилхонасига бошлаб борди. Кўзи шу ерда ётган арқонга тушиб, яшнаб кетди. Уни қўлига олиб, қизни бўғди. Ҳали нима гаплигини англаб етмаган қизалоқ шу заҳоти жон берди.

Шаригул изни яшириш чораларини кўрди. Бензинни оғилхонага сепди ва ўт қўйиб юборди. Қилғилиқни қилиб, ҳеч нарса кўрмагандай уйига қайтди.

Уни йўлда учратиб қолган Олтиной исмли маҳалладоши, «қаранг Сапарбой оғанинг уйи ёнянти», деганида ҳам сесканмади.

— Болаларнинг ишидир-да, — деди совуққонлик билан ва шошиб турганини айтиб, уйига кетди.

Жаҳолат кўзини кўр қилиб қўйган бу аёл қилмишимни ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлаганди. Аммо шу атрофда ишлаётган Исмоил исмли шахс оғилхонага қиз етаклаб кетаётган аёлни кўриб қолган, унинг ёлғиз қайтиб чиққанига ҳам кўзи тушганди. Зум ўтмай, ўша оғилхонада ёнғин пайдо бўлгани унда шубҳа уйғотди. Воқеа жойига етиб келганида қўни-қўшнилар ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилишаётганди.

— Ичкарида бир қизалоқ қолиб кетган бўлиши мумкин, — жон ҳолатда қичқирди у.

Дарҳол ИИБга хабар беришди. Қизалоқнинг ёнган танаси топилди.

— Буни қайси нокас қилиши мумкин? — қишлоқ аҳли ёқа ушлади.

— Ҳали, сен билан гаплашган аёл бор-ку, ўша, ўша, — деди Исмоил Олтинойга...

ИИБ ходимлари дарров Шаригулникига йўл олишди.

Шаригул жуда хотиржам эди. Балки ўз мақсадига етганидан хотиржам бўлгандир. Нима қилиб қўйгани, унинг оғир оқибати ҳақида мутлақо ўйламасди. Аксинча яна ўз тирикчилик ташвишлари гирдобига ғарқ бўлганди. У уйида тайёрлаган қўлбола арағини тезроқ пуллаш учун харидор излаб кўчага чиқди.

— Опа, сиз бир қизчани ўлдирган эмишсиз, бировнинг қўрасига ўт қўйганмишсиз, — ўртоқлари билан ҳовлиқиб кириб келган кичик ўғлининг бу саволлари унга кор қилмади.

— Овозингни ўчир. Менинг ишим бор, кетяпман, — бақирди ўғлига.

Аммо қонун ҳимоячилари унинг йўлини тўсишди. Гувоҳлар ва далиллар унга қарши эди.

Аёлнинг қилмишини бўйнига олишдан ўзга чора топилмади.

Ушбу қотиллик тафсилотлари билан танишиб, Шаригулни нима деб аташни, унинг қилмишларини қандай таърифлашни, баҳолашни билмаяпсизми? Бу маънавий қашшоқлик туфайли тубанлашиш, инсонийлик қиёфасини йўқотиш эмасми?

Бундай фожиали жиноятларнинг содир этилиши ҳали жойларда маънавий тарғибот борасида етарли тадбирлар амалга оширилмаётганидан далолат беради. Агар бу борада ишлар самарали йўлга қўйилганида, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз чуқур тарғибот қилинганида, мутахассислар кўмагида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги аҳолига тушунтирилганида бу фожиа рўй бермаган бўларди. Маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар ташкилоти, шу қишлоқдаги ўқув муассасалари, зиёлилар Шаригулнинг оилавий муҳитидан бохабар бўлиб, зарур тушунтириш ишларини олиб борганларида, эҳтимол Пўлат ҳам ўз жонига қасд қилмаган бўларди. Улар ҳатто ана шу фожиадан кейин ҳам фаолиятини жонлантириш ҳақида ўйлаб кўрмаганлар. Шаригулга маънавий кўмакдош бўлмаганлар.

Бизнингча, бу каби фожиалар қайта такрорланмаслиги учун мутасаддилар жиддий ўйлаб кўришлари, ўз вазифаларига масъулликни оширишлари шарт ва зарур.

Инсон ҳаёти бебаҳо. Унинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб, мазмунли ўтказиш эса сиз-у бизга, ҳар биримизга боғлиқ.

Абилай АДИЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суд судьяси,
Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Денов туман 1-сон Давлат нотариал идораси нотариуси Раъно Азимовага ўғли

Нурзоджон Менгқобиловнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Мустафаев Бўриқош Мустафаевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-415. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 19.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
2 3 4 5 6